

“КЕЛИШИЛДИ”

Жиззах давлат педагогика
Институту касаба уюшмаси
раиси Д.Очилов



2021й



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах давлат педагогика институти
ректору Ш.Шарипов

2021й

Ошхона ходимлари

учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома



Жиззах 2021й.ил

Жиззах давлат педагогика институти ҳудудида жойлашган ошхоналар учун хавфсизлик техникаси бўйича йўриқнома

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2000 йил 7 январда Адлия вазирлигида 870-сонли давлат рўйхатидан ўтказилган “Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Йўриқнома Жиззах давлат педагогика институти ҳудудида жойлашган ошхоналар ошпазлари ва ошхона ходимлари соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

I. ИШНИ БОШЛАШДАН ОЛДИНГИ ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

1.1. Тегишли махсус кийимни тўғри кийинг. Сочингизни бош кийим остига олинг, энгингизнинг тугмаларини қаданг. Кийимингизни нина билан чатиб қўйманг, кийимингиз чўнтақларида илгак, шиша ва бошқа синадиган буюмлар олиб юрманг.

1.2. Иш жойини тартибга келтиринг, ўтадиган жойни тўсиб қўйманг.

1.3. Инвентарни кўздан кечиринг, бутунлигини текширинг. Яроқсиз асбоб-ускуна ва идиш-товокларни алмаштириб беришларини маъмуриятдан талаб қилинг.

1.4. Асбоб-ускуналарни кўздан кечирганда қуйидагиларни текширинг:

а) асбоб-ускуналарнинг яроқлилигини;

б) тўсиқларнинг борлиги ва бутунлигини;

в) химоя симининг ерга тўғри уланганлигини.

1.5. Асбоб-ускуналарнинг бузуқлигини, бирор нуқсонини аниқласангиз, дарров маъмуриятга маълум қилинг ва улар тузатилмагунча ишга тушманг.

II. ИШ ПАЙТИДАГИ ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

2.1. Махсус мосламаси бўлган гўшт қиймалагичларда ишлаш мумкин.

2.2. Гўштни машина шнекига солиш учун ёғоч масламадан фойдаланинг, гўштни қўлингиз билан итарманг.

2.3. Махсус мосламаси бўлмаган гўшт аралаштиргичда ишланг.

2.4. Универсал узатма билан ишлайдиган машиналардан фойдаланганда насадка ва мустаҳкамлашни мотор ишлаётганида бажаринг.

2.5. Сабзавот тўғрайдиган машиналарда ишлаганда сабзавотни қўлингиз билан итарманг.

2.6. Сабзавотни майдалайдиган ва тозалайдиган, артадиган машиналарда ишлаганда эҳтиёт қилувчи копқокдан фойдаланинг.

2.7. Музлаган гўштни у эриганидан кейин нимталанг.

2.8. Гўштни майдалаш учун усти текис кундадан фойдаланинг.

2.9. Товуқ, паррандаларни қуйдириб тозалашда кавшарлаш лампасидан фойдаланинг.

2.10. Пичокни ишлатишда эҳтиёт бўлинг, қўлингизни тўғри тутинг, пичокларни махсус ғилофларда сақланг.

2.11. Балиқларни ваннадан симли човлиларда олинг.

2.12. Маъмуриятдан ошхона плитасининг усти ғадир-будирсиз, силлик бўлишини талаб қилинг.

- 2.13. Суюқлик солинган идишларни плита устида силкитмасдан аста силжитинг.
- 2.14. Доғ қилинаётган ёғнинг қаттиқ қизиби, ёниб кетмаслигини кузатиб туринг.
- 2.15. Котлет, макарон ва бошқа гўштдан қилинган ярим фабрикатларни ковурганда, уларни ёнбошлатиб тахланг.
- 2.16. Картошка ва бошқа сабзавотларни қайнаб турган ёғга эҳтиёт бўлиб солинг, сув тушишига йўл қўйманг.
- 2.17. Плита духовкасига унинг ўлчамларидан катта тунука идишларни қўйманг.
- 2.18. Овқат пишаётган қозон, кастрюла ва плита устидаги бошқа идишларнинг қопқоқларини эҳтиётлик билан очинг.
- 2.19. Қизиган идишни ёки қайноқ овқати бор идишни бир жойдан бошқа жойга олишдан аввал, бу ҳақда ёнингизда турган ходимларни огоҳлантириб қўйинг. Қайноқ овқатни ташиганда идишни баданингизга босманг.
- 2.20. Овқат солинган идишни мустаҳкам тагликка қўйинг, тагликнинг усти қўйилаётган идишнинг тагидан каттароқ бўлишини талаб қилинг.
- 2.21. Иссиқ, қайноқ идишни қўлингиз билан олманг, бунинг учун сочикдан фойдаланинг.
- 2.22. Тўкилган суюқлик, ёғ ва бошқа махсулотларни тезда йиғиштириб олиш чорасини кўринг.
- 2.23. Тақсимлаш тахталарини столнинг текис устига қўйинг.
- 2.24. Консерва банкаларини шунга мўлжалланган махсус калит билан очинг. Банкани пичоқ ва бошқа асбоблар билан очиш ман этилади.
- 2.25. Яшиқни очиш учун омбир, болға ва шунга мўлжалланган бошқа асбоблардан фойдаланинг.
- 2.26. Юқларни бир жойдан иккинчи жойга ташишда нормаларга (аёллар учун 9 кг, эркеклар учун 50 кг) амал қилинг.
- 2.27. Ишлаётганда ҳушёр бўлинг, чалғиманг ва бошқаларни ҳам чалғитманг.


III. ИШ ЯКУНИДАГИ ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

- 3.1. Ўтиладиган жойларидаги полларнинг бутунлигини кўздан кечиринг. тешиқ, ёриқ жойларни бутлашни маъмуриятдан талаб этинг.
- 3.2. Хом ашёларини жой-жойига тахлб қўйинг.
- 3.3. Ишчи кийимларини ёчиб, илгагига осиб қўйинг.

IV. МАСЪУЛИЯТ

Ушбу йўриқномани ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларини қўпол равишда ёки қасддан бузган шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Фуқаро ва меҳнат
муҳофазаси бўлими бошдиги:



М.Ибрагимов